

12-ВҚБ -сонли ШАРТНОМА  
 бланкаларни тайёрлаш учун

2022 йил 07.01

Тошкент ш.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг "DAVLAT BELGISI" Давлат унитар корхонаси бундан буён "Бажарувчи" деб аталган ҳолда, Уставига асосланиб фаолият юритувчи Бош директори Б.Д.Джумаев, бир томон бўлиб ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Андижон вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси Марҳамат туман тиббиёт бирлашмаси номидан Марҳамат ТТБ бош шифохонаси З. Ҳароб (шавкатли ф.и.ш)

келгусида "Буюртмачи" деб аталган ҳолда, корхона Низомига мувофиқ иш юритувчи иккинчи томон бўлиб, (кейинги ўринларда "Тарафлар" деб аталади) ушбу шартномани 2022 йил 5 январдаги 9 - рақамли буюртма хати асосида қуйидагилар ҳақида туздилар:

**I. Шартнома предмети**

1.1. "Бажарувчи" "Буюртмачи"нинг буюртмасига мувофиқ қуйидаги маҳсулотларни ўз вақтида ва сифатли ҳолда тайёрлаб беради, "Буюртмачи" эса маҳсулотларни қабул қилиб, мазкур шартноманинг шартларига мувофиқ ҳақини тўлайди:

№	Маҳсулот номи	Ўлчов бирлиги	Маҳсулот адади	1 бирлик маҳсулот учун ҚҚС сиз (сўм, тийин)	1 бирлик маҳсулот учун ҚҚС билан (сўм, тийин)	Жами ҚҚС сиз (сўм, тийин)	Жами ҚҚС билан (сўм, тийин)
1.	083/х шаклдаги тиббий маълумотнома бланкалари	дона	3 000	3 244-00	3 730-60	9 732 000-00	11 191 800-00
<b>Жами:</b>							<b>11 191 800-00</b>

**II. Шартноманинг умумий суммаси ва тўлов тартиби**

2.1. Шартноманинг умумий суммаси ҚҚС билан: 11 191 800-00 (ун бир миллион бир юз тўқсон бир минг саккиз юз) сўм 00 тийинни ташкил қилади.

2.2. "Буюртмачи" Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги ПҚ-594-сонли ҳамда 2007 йил 12 декабрдаги ПҚ-744-сонли ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 16 мартдаги 139-сонли Қарорлари талабларига асосан тайёрланадиган маҳсулот қийматининг 30 фоизини шартнома икки томонлама имзолангандан сўнг ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги газначилигидан рўйхатидан ўтганидан сўнг "Бажарувчи" томонидан тақдим этилган ҳисобга асосан 15 кун мобайнида оддиндан ҳақ тўлайди.

2.3. Маҳсулот тайёрлаб берилгандан сўнг "Буюртмачи" "Бажарувчи"га мазкур шартнома суммасининг қолган 70 фоизини "Бажарувчи" томонидан берилган ҳисоб-фактурага асосан 10 кун ичида тўлайди.

2.4. Тайёрланганидан маҳсулотнинг нархи, қўлдан белгиланган ҳисобланамайди ва уни тайёрлаш пайтидаги нархни белгилувчи кўрсаткичларга қараб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонида асосан энг кам ойлик иш ҳақи ўзгарганда, ҳамда асосий материалларнинг нархи ўзгарганда, "Бажарувчи" маҳсулот бирлигининг нархини ўзгарттириш ҳуқуқига эга. Маҳсулот нархи ўзгарган тақдирда "Бажарувчи" асосий шартномага янги нарх киритилган қўшимча келишув ва нарх келишув баённомаси тақдим этади.

**III. Маҳсулотларни тайёрлаб бериш муддати, тартиби ва қабул қилиш шартлари**

3.1. Мазкур шартноманинг 2.2-бандига кўра оддиндан тўланадиган сумманинг 30-фоизи тўлангандан сўнг "Бажарувчи" ушбу шартномада белгиланган маҳсулотларни 3.2. Бандида кўрсатилган амалиёт тўлиқ бажарилгандан сўнг 40-кун мобайнида тайёрлаб бериш мажбуриятини олади.

3.2. Тўлов амалга оширилишидан олдин маҳсулотнинг асл нусхаси "Буюртмачи" томонидан "Бажарувчи"га тақдим этилади ва шу асл нусхага мувофиқ "Бажарувчи" "намуна" тайёрлаб "Буюртмачи"га беради "Буюртмачи" эса ушбу "намуна"ни тасдиқлаб "Бажарувчи"га қайтаради.

3.3. "Бажарувчи" буюртма тайёр бўлганлиги ҳақида "Буюртмачи"га телефон орқали ёки хат ёзиб маълум қилади. "Буюртмачи" маҳсулот тайёр бўлганлиги ҳақидаги маълумотни олгандан кейин 10 кун ичида маҳсулотни олиб чиқиб кетиши шарт.

3.4. Тайёр маҳсулотлар олиб чиқиб кетиш "Буюртмачи"нинг ваколатли шахслари орқали, унга берилган ишончнома ва паспорт тақдим этилган тақдирда амалга оширилади.

3.5. Эҳтиёж тутилганда кафолат хатлари орқали маҳсулотлар берилиши мумкин. Бунда қарз бўлган сумма бўйича таққослаш далолатномаси тузилиши лозим.

3.6. "Буюртмачи"нинг вакили маҳсулотларни мазкур шартномада назарда тутилган муддатда ва тартибда "Бажарувчи"нинг вакили иштирокда кўриб, қабул қилиб олиши шарт.

3.7. Маҳсулотларни қабул қилиб олиш жараёнида камчиликлар аниқланса, "Буюртмачи"нинг вакили бу тўғрисида "Бажарувчи"нинг вакилига дарҳол маълум қилиши шарт. Маҳсулотларни қабул қилиш жараёнида аниқлаш имконияти бўлмаган (яширин) камчиликлар аниқланганда, тарафлар мазкур шартноманинг 5.1-банди ва қонунчиликда белгиланган қоидаларни қўлайдилар.

3.8. "Буюртмачи"нинг тайёр маҳсулотнинг сонига бўлган эътирозлари "Бажарувчи" томонидан маҳсулот топширилганидан сўнг инобатга олинмайди.

**IV. Маҳсулот сифати**

4.1. Маҳсулотнинг сифати тасдиқланган асл нусхага ва таснифда кўрсатилган техникавий шартларга мувофиқ келиши керак.

**V. Эътирозлар**

5.1. Маҳсулотнинг белгиланган талабларга жавоб бера олмаслиги нуксон далолатномаси билан тасдиқланган бўлиши шарт. Нуксон далолатномасида аниқланган камчиликлар аниқ баён этилиши керак. Мутахассисларнинг ҳулосаси илова қилиниши мумкин.

5.2. Нуксон далолатномасини имзолашга "Бажарувчи"нинг вакили тақлиф этилади. Агар тақлиф этилган вакил тақлифномани олган кундан бошлаб 3 (уч) кун мобайнида етиб келмаса унда нуксон далолатномаси "Буюртмачи"нинг вакили томонидан имзоланади.

5.3. Нуксон далолатномаси икки нусхада тайёрланади ва унинг бир нусхаси "Бажарувчи"га юборилади.

5.4. "Бажарувчи" 3 (уч) кун муддат ичида нуксон далолатномасида баён этилган маҳсулот сифатининг номувофиқлиги моҳияти юзасидан ёзма равишда жавоб бериши керак.

5.5. "Буюртмачи"нинг маҳсулот сифатига бўлган эътирози "Бажарувчи" томонидан инобатга олинган тақдирда "Бажарувчи" камчиликларини оқилона муддатда бартараф этган ёки маҳсулот нархини мутаносиб равишда камайтиради.

**VI. Томонларнинг мажбурияти**

6.1. Томонлар шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажараётганда Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш

тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг талабларига эид келадиган ҳар қандай ҳаракатларни амалга оширмайдилар, шу жумладан, пора беришга, тақлиф қилмайдилар, ваъда бермайдилар, товламачилик қилмайдилар, пора сифатида пул тўламайдилар, бевосита ёки билвосита пора олишга розилик бермайдилар.

6.2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг "DAVLAT BELGISI" ДУК ходими ўз хизмат мажбуриятларидан фойдаланган ҳолда пора берган шахснинг манфаатларини қўзғаб муайян ҳаракатларни содир этиши ёки содир этмаслиги шартлиги ёки мумкинлиги учун моддий қийматликларни ёки мулкий наф олмайди. Томонлар ушбу ҳаракатларга йул қўймаслик бўйича чоралар кўрилиши кафолат беради.

### VII. Тарафларнинг жавобгарлиги

7.1. Агар тайёрлаб берилган маҳсулот сифати, ассортиментни бўйича техник шартлар, намуналарга, шартномада келтирилган шартларга мос келмаса, "Буюртмачи" маҳсулотни қабул қилиш ҳамда уларнинг ҳақини тўлашни рад этиб, тайёрлаб берувчидан сифати, ассортиментни лозим даражада бўлмаган маҳсулот қийматининг 5 фоизи миқдорида жарима ундириб олишга, агар маҳсулот ҳақи тўлаб қўйилган бўлса, тўланган суммани белгиланган тартибда қайтаришни талаб қилишга ҳақлидир.

7.2. Агар "Буюртмачи" буюртмани "Бажарувчи"га топширганидан кейин уни давом эттиришни хоҳламаса, у ҳолда олдиндан тўланган ҳақнинг маълум қисми яъни, "Бажарувчи" бажарган ишлар қийматининг тўлаш ва у кўрган зарарни қоплаш учун ушлаб қолинади.

7.3 «Буюртмачи» тайёр маҳсулотни кўрсатилган муддатда олиб кетмаса, ўтказиб юборилган кунга «Бажарувчи»га оморда сақланганликдан келиб чиққан зарар учун маҳсулот қийматининг 5 (беш) фоизи миқдорида жарима тўлайди.

7.4 Ўтказиб берилган маҳсулот ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун "Буюртмачи", "Бажарувчи"га ўтказиб юборилган ҳар бир календарь куни учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0.4 фоизи миқдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорида пеня тўлайди.

7.5 Бошқа ҳолатларда тарафлар ("Буюртмачи", "Бажарувчи") мажбуриятларини лозим даражада ёки умуман бажармаганда Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг тегишли нормалари, "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномасий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Қонуни ҳамда амалдаги қонунчилик асосида жавобгардирлар.

### VIII. Форс-мажор

8.1. Томонлар ҳоққиш иродасидан ташқари юзага келадиган олдиндан билиб бўлмайдиган ва олдини олиш имконияти бўлмаган форс-мажор (сув тошқини, ёнғин, ер қимирлаши ва бошқа табиий офатлар ва х.к.) ҳолатларда томонлар мажбуриятларини бажармаганликлари учун бир-бирлари олдидан жавобгар бўлмайди. Тегишли идоралар томонидан берилган маълумотнома ушбу ҳолатларни мажбуриятини ишончли исботи ҳисобланади.

8.2. Шартноманинг 8.1 бандида назарда тутилган ҳолатлар юзага келган тақдирда шартларни бажармаётган тараф мазкур ҳолат юзасидан ва ушбу ҳолат шартларни бажаришга таъсир этаётганлиги ҳақида хабар бериш керак.

8.3. Шартноманинг 8.1. бандида назарда тутилган енгилмас кучлар ҳолати охириги уч ой давомида давом этса "Бажарувчи" ёки "Буюртмачи" томонидан иккинчи тарафга билдиришнома юбориш билан мазкур шартномани бекор қилиниши мумкин.

8.4. Форс-мажор ҳолатига асосан мажбуриятни бажариш тўхтаб қолганда "Бажарувчи" ёки "Буюртмачи" келтирилган зарарни қоплашни талаб қила олмайдилар.

### IX. Низоларни ҳал этиш тартиби

9.1. Ушбу шартномадан келиб чиқадиган низоли масалалар музокаралар йули билан ҳал этилади.

9.2. Келишувга эришилмаган тақдирда томонлар низоларни ҳал этиш учун қонунчиликка мувофиқ иқтисодий судига мурожаат қилидилар.

### X. Яқуний қондалар

10.1. Шартнома томонларининг ўзаро келишувига кўра ёки улардан бири томонидан шартнома шартларини бошқа томон жиддий бузган тақдирда бекор қилиниши мумкин.

10.2. Тарафларнинг юридик манзиллари, телефон, факслари, банк реквизитлари ўзгарган тақдирда улар икки кун муддат ичда бир-бирларига бу ҳақида маълумот беришга мажбурдирлар.

10.3. Мазкур шартномага киритилган барча ўзгариш ва қўшимчалар ёзма шаклда тузилиб, белгиланган тартибда тарафларнинг ваколатли вакиллари томонидан имзоланган тақдирдагина амалда бўлади.

10.4. Мазкур шартнома томонлар имзоланганидан ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Газначилигидан руйхатдан ўтганидан сўнг қуздан кучга киради ва 2022 йилнинг 31 декабригача амалда бўлади.

### ТОМОНЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ:

**«Бажарувчи»**  
Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг  
"DAVLAT BELGISI" ДУК  
Почта индекси: 100053  
Манзили: Тошкент шаҳар,  
Юнусобод тумани, Богчиамол кўчаси, 160 «А»  
ҳисоб рақами: 21596000305108789001  
МФО: 00014  
Ўзбекистон Республикаси Марказий банки  
Тошкент шаҳар Бош бошқармаси ХККМ  
ИНН: 306612737  
КҚС коди: 326030048929  
ОКЭД: 18120  
Тел./факс: 71-209-02-73, 234-46-01, 234-06-31.

«Бажарувчи»  
номидан раҳбар:



**«Буюртмачи»**  
Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Андижон  
вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси Марҳамат туман  
тиббийт биравшмаси  
Почта индекси: 711020  
Манзили: Андижон вилояти, Марҳамат шаҳри,  
Ипак йули, 72-уй.  
ҳисоб-китоб вагаги:  
*Ўз.Республикаси Марказий Банк*  
МФО: 00014  
ИНН: 200266454  
ОКЭД: 91511  
КҚС коди:  
Тел./факс: 74-391-30-89

«Буюртмачи»  
номидан раҳбар:  
*З.Умаров*



**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN  
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA**

**№ DD82633525**

1. Loyihaning turi

**Shartnoma**

2. Loyihaning nomi

**Davlat belgisi DUK bilan blanka tayyorlash shartnomasi**

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot

**Marhamat tuman Tibbiyot birlashmasi tomonidan 11.01.2022 yil kuni  
taqdim qayta etilgan.**

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

13.01.2022

**Yuridik xizmat ko'rsatish markazi**

**Bosh yuriskonsulti**



**B.I.Aliyev**